

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ КАССАЦИЯ А Ж Р И М И

2021 йил апрель ойининг 19 куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, очик суд мажлисида, ўз биносида, видеоконференцалоқа режимида,

Раислик этувчи - судья: Б.Тангабаев,

ҳайъат аъзолари - судьялар: Н.Раҳманов ва Б.Исламовлардан иборат таркибда, И.Бабаярованинг котибалигида, даъвогарлар ХХХ, ХХХ ҳамда жавобгар вакили ХХХларнинг иштирокида, даъвогарлар ХХХ, ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг жавобгар “ХХХ” АЖга нисбатан буйруқни ғайриқонуний деб топиб, бекор қилиш, ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан юритилган фуқаролик иши бўйича қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Гиждувон туманлараро судининг 2020 йил 3 ноябрдаги ҳал қилув қарори ва Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 2 мартдаги ажримига нисбатан ХХХ ва ХХХлар томонидан берилган кассация шикоятни фуқаролик иши асосида кассация инстанциясида кўриб чиқилиб, қуйидагилар

### А Н И Қ Л А Н Д И:

Даъвогарлар ХХХ, ХХХ, ХХХ ва ХХХлар судга 2020 йил 18 сентябрда даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “ХХХ” АЖнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқни ғайриқонуний деб топиб, бекор қилишни, ишга тиклашни ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақини ундиришни сўраганлар.

Фуқаролик ишлари бўйича Гидувон туманлараро судининг 2020 йил 3 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогарлар ХХХ, ХХХ, ХХХ ва ХХХларнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, “ХХХ” АЖ раисининг 2020 йил 22 августдаги 94-сонли буйруғи ғайриқонуний деб топилиб, бекор қилинган.

Даъвогар ХХХ 2020 йил 22 августдан бошлаб, “ХХХ” АЖга фаррош вазифасига ишга тикланиб, 1.470.990 сўм иш ҳақи ва судга мурожаат қилишда тўланган 15.610 сўм почта харажатлари ундирилган.

Даъво талабларининг қолган қисми рад қилинган.

Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 2 мартдаги ажрими билан суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳужжатларидан норози бўлиб, ХХХ ва ХХХлар томонидан кассация шикоятни келтирилиб, суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилиш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судьяни маърузасини, кассация шикоятни юзасидан тарафларнинг тушунтириш ва эътирозлари тинглаб, унда келтирилган важларни иш ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра, уни қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 15-моддасининг 1-қисмига асосан суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш учун қонунга мувофиқ чоралар кўришга ҳақли.

“ХХХ” АЖнинг 2020 йил 5 февралдаги Кузатув кенгаши аъзоларининг навбатдан ташқари 1-сонли мажлис баённомаси қарорига биноан жамиятнинг иш хусусиятлари ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги сабабли, назоратчи ходимлар штат-бирликлари қисқартирилиб, ушбу ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ва уларга ўртача ойлик иш ҳақларидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш ҳамда янги штат жадвалини тасдиқлаш белгиланган.

Жамият томонидан 2020 йил 5 февралдаги ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича штатлар жадвали тасдиқланган бўлиб, унда назоратчи штат бирликлари акс этирилмаган бўлсада, 6 та автотураргоҳ кўрикчиси ва 2,5 та фаррошлик штат бирлиги қўшилган.

Иш берувчи томонидан даъвогарлар билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги асосан тузилган меҳнат шартномаси 2 ойдан (икки) сўнг бекор қилиниши ҳақида огоҳлантириш хати берилган ҳолда меҳнат шартномалар бекор қилинган.

Ғиждувон туманлараро судининг 2020 йил 22 июндаги ҳал қилув қарорига асосан ХХХ, 2020 йил 6 августдаги ҳал қилув қарорига асосан ХХХ ва 2020 йил 24 июндаги ҳал қилув қарорига биноан ХХХлар ишга тикланиб, иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқлари бекор қилинган.

Иш берувчининг 2020 йил 14 июлдаги 83-сонли буйруғи билан ХХХ 2020 йил 14 майдан назоратчи вазифасига, 2020 йил 18 августдаги 91-сонли буйруғи билан ХХХ 2020 йил 20 майдан назоратчи вазифасига ҳамда 2020 йил 14 июлдаги 85-сонли буйруғи билан ХХХ 2020 йил 20 майдан назоратчи вазифасига ишга тикланганлар.

Иш берувчининг 2020 йил 12 августдаги 91-сонли буйруғига асосан ХХХ 2020 йил 27, 29 июль ва 11,12 август кунлари соат 800дан соат 1700гача узрсиз сабаблар билан ишда бўлмаганлиги ҳамда ёзма топшириқнинг ижросини таъминламаганлиги сабабли, у билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан бекор қилинган.

“ХХХ” акциядорлик жамияти раиси ва акциядорлик жамияти касаба уюшмаси кўмитаси раиси томонидан 2020 йил 5 февраль кунида тасдиқланган

“Ички меҳнат тартиби қоидалари”нинг 2.35 банди 2-хатбошисида ишга узрсиз сабаблар билан чиқмаслик (ишда узрсиз сабаблар билан иш куни давомида узлуксиз ёки вақти-вақти билан жами 16 соатдан кўпроқ бўлмаганлик) меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлиши белгиланган.

XXX буйруқда кўрсатилган саналарда иш жойида бўлмаганлиги ҳақида тегишли далолатномалар расмийлаштирилган.

Иш берувчи томонидан МК 101, 102-модда талабларига асосланиб, меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш берилиб, касаба уюшмасининг розилиги олинди, буйруқ нусхаси ва ва меҳнат дафтарчаси XXXга берилган.

Бундан ташқари, иш берувчининг 2021 йил 12 февралдаги 7-сонли буйруғига асосан XXX 2021 йил 12 февралда бошлаб икки ойлик синов муддати билан жамиятнинг фаррош вазифасига ишга қабул қилиниб, меҳнат шартномаси тузилган.

Даъвогар XXX билан МК 100-моддасининг 2-қисми 3-банди асосида меҳнат шартномаси иш берувчининг 2020 йил 22 августдаги 94-сонли буйруғи асосида бекор қилинган бўлсада, у 2020 йил 21 августдан 28 августгача меҳнатга лаёқатсизлик варағи асосида даволанаётганлиги эътиборга олинмаганлиги ва унинг даъво талаблари қаноатлантирилиши лозимлиги ҳақида судлар тўғри хулосага келган.

Иш берувчининг 2020 йил 27 августдаги 95, 96-сонли буйруқларига асосан XXX ва XXXлар “назоратчи” штат бирлиги қисқарганлиги ва таклиф этилган вазифада ишлашдан бош тортганлиги сабабли, у билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига асосан бекор қилинган.

Гарчи, даъвогарлар XXX ва XXXлар суд ҳужжати асосида ишга тикланган бўлсада, иш берувчи қайтадан МК 100-моддаси 2-қисми 1-банди асосида меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти юзасидан ушбу Кодекс 102-моддаси 1-қисми 1-банди талабларига зид равишда икки ойлик огоҳлантириш муддатини бермасдан ёки уни тегишли пул компенсацияси билан алмаштириш тўғрисидаги келишувни тузиш чораларини кўрмаган.

Чунки, муқаддам даъвогарлар XXX ва XXXлар билан иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиниши ғайриқонуний деб топилганлиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

МК 5-моддасига асосан меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмаслиги белгиланган бўлсада, XXXнинг маълумоти олий эканлиги ҳақидаги мурожаати юзасидан иш берувчи ушбу Кодекс 103-моддаси талабларига риоя қилмасдан, илгари эгаллаган вазифасидан паст даражадаги вазифани таклиф қилиб, қонун талабини бажармаган.

Меҳнат кодекси талабларини яққол бажармаган иш берувчининг XXX ва XXXлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқларни ушбу Кодекс 111, 112-моддалари талабларига асосан

ғайриқонуний деб топишга, уларни ишга тиклашга ҳамда мажбурий прогул учун иш ҳақларини ундиришга асос бўлиши суд томонидан эътиборга олинмаган.

Ушбу ҳолатлар вилоят суди апелляция инстанциясининг ҳам эътиборидан четда қолиб, суд ҳужжатини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асослантилмаган хулосага келган.

ФПК 399-1-моддаси 1-қисми 2-4-бандиларига асосан суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, суднинг ҳал қилув қарорида баён этилган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги, моддий ҳуқуқ нормаларининг ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги суд ҳужжатини апелляция тартибида бекор қилишга ёки ўзгартиришга қуйидагилар асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 419-моддаси 2-бандига кўра, кассация инстанциясининг суди кассация шикоятини (протестни) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни тўлиқ ёхуд қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юбормасдан янги ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор қабул қилишга ҳақли.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати суд ҳужжатларини даъвогарлар ХХХ ва ХХХларни даъво талабларини рад қилишга оид қисмини бекор қилишни ва даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилишни лозим деб топди.

ХХХнинг 2020 йил 7 октябрдаги маълумотида, ХХХ жамиятда назоратчи вазифасида 0,5 иш ҳисса бирлигида, ХХХ 1,0 иш ҳисса бирлигида ишлаб келганлар.

Жами бошқарув раиси ва ХХХ томонидан 2019 йил 1 августда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақидаги штат жадвалига кўра “назоратчи”нинг бир ойлик иш ҳақи 955.000 сўмни ташкил қилганлиги боис, даъво талабларини мажбурий прогул учун иш ҳақини ундиришда мазкур маълумотга асосланиш лозим бўлади.

Даъвогарлар ХХХ ва ХХХлар мажбурий прогул кунлари 177 кунни ташкил қилади.

Шу сабабли жавобгар “ХХХ” АЖдан даъвогар ХХХ фойдасига 7.043.184 сўм ( $955.000/24=39.792$  кунлик иш ҳақи\*177 мажбурий прогул кунлари=7.043.184) ва ХХХ фойдасига 7.043.184 сўм мажбурий прогул учун иш ҳақлари ундирилиши лозим.

Шунингдек судлов ҳайъати кассация шикоятини қаноатлантириш билан бир қаторда ФПК 138-моддасига асосан жавобгар “ХХХ” АЖдан давлат даромадига 563.455 сўм давлат божи ҳамда ВКС харажатларини ундиришни лозим топди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 419-1, 419-2-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати,

А Ж Р И М    К И Л Д И:

Мазкур фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Гиждувон туманлараро судининг 2020 йил 3 ноябрдаги ҳал қилув қарори ва Бухоро вилоят суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 2 мартдаги ажримининг даъвогарлар ХХХ ва ХХХларнинг жавобгар “ХХХ” АЖга нисбатан буйруқни ғайриқонуний деб топиб, бекор қилиш, ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақини ундириш ҳақидаги даъвосини рад қилишга оид қисми бекор қилинсин ва қуйидаги мазмунда янги ҳал қилув қарори қабул қилинсин.

ХХХ ва ХХХнинг даъво талаблари қаноатлантирилсин.

Жавобгар “ХХХ” АЖнинг 2020 йил 27 августдаги даъвогарлар ХХХ ва ХХХлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги 95, 96-сонли буйруқлари бекор қилинсин.

Даъвогарлар ХХХ “ХХХ” АЖга назоратчи лавозими штат биргигининг 1,0 ҳиссаси ва ХХХ штат бирлигининг 1,0 ҳиссага ишга тиклансинлар.

Жавобгар “ХХХ” АЖдан даъвогар ХХХ фойдасига 7.043.184 (етти миллион қирқ уч минг бир юз саксон тўрт) сўм, ХХХ фойдасига 7.043.184 (етти миллион қирқ уч минг бир юз саксон тўрт) сўм ҳамда давлат даромадига 563.455 (беш юз олтиш уч минг тўрт юз эллик беш) сўм давлат божи ундирилсин.

Суд ҳужжатларидан қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Кассация шикоятни қаноатлантирилсин.

Жавобгар “ХХХ” АЖдан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига (олувчи: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, манзили: 100186, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй, шахсий ҳисоб варағи: 401410860262777033210011001, СТИР: 200936561, ғазна ҳисоб рақами: 23402000300100001010, банк: МБ ББ ҲҚКМ Тошкент шаҳри, МФО: 00014, СТИР (ғазна): 201122919 реквизитлари бўйича) суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ тўлов сифатида 61.250 сўм ундирилсин.

Раислик этувчи,

/имзо/

Б.Тангабаев

Ҳайъат аъзолари,

/имзо/

Н.Раҳманов

/имзо/

Б.Исламов

аслига тўғри: